



Ўлиmidан олдин у ўзи учун камдан-кам учрайдиган хотиржам ҳолатда бўлган. Сўнгги йилларда уни шафкатсиз огрик хуружлари, коронгу башоратлар, огир виждон азоблари кийнаган. Гувоҳлардан маълумки, ўлим куни тонгда у касаллигидан бироз енгиллик сезган, илик ванна қабул қилган ва Бельский билан шахмат (ёки шашка) ўйнашга ўтирган. Бу куни у меҳрибон ва хотиржам бўлган. Ўйин вақтида унга зарба етган. Ўлаётган подшоҳ у олдиндан истаб қолдирган хоҳишига биноан, соч қирқиш маросими ўтказилган ва у тошдан ясалган подшоҳона тобутга қўйиб дафн этилган.

Бирок, бу манбага тўлиқ ишониш мумкинми? (Подшоҳнинг ўлим олдида шашка ўйнагани ҳақидаги версия чет эллик шахсдан чиққан бўлиб, у Россия ҳукмдорининг сарой тартиб-қоидаларини етарлича билмагани кўринади.)

Қабр очилганда, олимлар дарҳол саркофагнинг ён деворлари жуда юпка эканини пайкашган. Эҳтимол, уларни дафн олдидан шошилиш равишда яна қириб юборишган. Бу тафсилот подшоҳнинг касаллиги ҳақида айрим нарсаларни очиқ беради. Кўринишича, марҳум ўлимга яқин пайтда жуда семирган ёки шишиб кетган ва олдиндан тайёрланган тобутга сигмай қолган бўлиши мумкин.

Тўрт аср аввал вафот этган подшоҳнинг ўлим сабабини аниклаш учун бир неча ой керак бўлган. Кимёвий таҳлил Иван IV организмда симоб микдори жуда юкори бўлганини кўрсатган. Шунингдек, симоб организмга нисбатан узок вақт давомида кириб тургани аниқланган. Бу ўша давр тиббиётида кўлланилган симобли мазлар билан даволаш натижасими? Ёки ўлим сабаби захарланиш бўлганми?

Бу каби тахминларни рад этиш мумкин эмас эди. Якуний хулосалар учун вақт керак бўлган. Шу билан бирга, олимлар кўплаб суяк чиқиндиларини — остеофитларни аниқлаганлар. Улар умуртка погонасида, чанок суягининг илияк кисми киргокларида, бўғимлар атрофида жойлашган эди.

Ўша давр зодагонлари хонадонларида «тирик сув» (ёки «тирик кумуш») солинган идишни очик холда саклаш одати бор эди. Гўё бу эгасига узок умр бағишлар экан. Балки подшоҳ ҳам шундай қилгандир. Ўша пайтда симоб бўғларининг зарарли таъсири хақида билишмаган.

Остеофитларнинг пайдо бўлиш сабаблари жуда хилма-хил. Бу қарилик артрози (бўғимнинг сурункали яллиғланиши) белгиси бўлиши мумкин, у кўпинча алоҳида бўғимларни зарарлайди. Остеофитлар эндокрин бузилишлар заминида ҳам пайдо бўлиши мумкин; ёмон сифатли ўсмаларда — масалан, простата беzi саратонининг остеосклеротик метастазлари сифатида. (Кейинчалик патологоанатомлар тахминига кўра, айнан шу сўнгги вариант бизни кўриб чиқаётган ҳолатда энг эҳтимолли бўлган.)

Бу суяк ўсмалари баъзан секин ўсади ва беморга катта ноқулайлик тугдирмайди, аммо кўпинча огриклар хатто кичик ҳаракатларда ҳам пайдо бўлади, айниқса Иван IVда бўлганидек, бўғим юзаларининг киргокларида жойлашган «шиплар» ёки «тўсинлар» каби ўсмаларда. Огриклар кескин ва азобли бўлиб, қайта-қайта такрорланади — чунки ўсмаларнинг ўткир киргоклари нервлар ва кон томирларини сикади, мушакларга санчилади.

Иван IVнинг сўнгги йиллардаги хаёти нақадар азобли бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас — на фақат уйғок ҳолатида, балки тунда ҳам, тўшакда тасодифий ҳаракатдан огрик пайдо бўлар, у инсонни холдан тойдирар, уйқусиз қолдирган.

Табиблар берган ҳеч қандай дори-дармонлар, гарблик шифокорларнинг маслаҳатлари ҳам эҳтимол подшоҳга ёрдам бермаган, фақат вақтинча енгиллик бериб, огрикни сусайтирган, холос. Ўша давр тиббиёти даражасида подшоҳни даволаб бўлмас эди. Ана шу узлуксиз азоблар Иван Грозний характеридаги дахшатли ўзгаришларга олиб келган бўлиши мумкин, бу унинг кўплаб ҳаракатларини тушунтиради. Доимий огрик стрессада бўлган ҳолда, у мутлақо олдиндан айтиб бўлмайдиган одамга айланган.

Биринчи рус подшоҳининг қули эҳтиёткорлик билан картон қутиларга жойланиб, алоҳида эҳтиёт чоралари билан Герасимовнинг пластик реконструкция лабораториясига олиб борилган. (Қулни эски Калуга йўли орқали олиб боришган — тўрт аср аввал Иван IV хаётлигида бу йўлдан бир неча бор ўтган. Яқинда, ҳозир Москва университети шпили кўтарилиб турган Воробьёво қишлоғида, подшоҳ 1547 йил кўзғолони пайтида яшириниб

турган эди.)

Лабораторияда кутиларни очишди ва бош суяк олимнинг иш столига қўйилди. Иван IV киёфасини тиклаш бошланди. Аввало, бош суяк яна бир бор махсус, суякларни мустахкамловчи эритма билан синчиклаб ишловдан ўтказилди, консервация килинди. Кейин гипс нусхалар олинди. Герасимов ана шу нусхалар билан ишлай бошлади, асл бош суяк эса дахлсиз холда колдирилиб, кабрга кайтарилишини кутди.

Дастлабки боскич — энг масъулиятлиси: юз мушаклари пайлари бириккан жойларни пухта ўрганиш, аник ва кайта-кайта ўлчашлар, олинган маълумотларни таҳлил килиш... Ва факат январь ойида (кабр очилганидан қарийб ярим йил ўтиб) Герасимов Иван Грозний юз киёфасини реконструкция килишга киришди.

Ўз усулига кўра, хайкалтарош подшоҳ бош суяги нусхаси устига пластилиндан мушак тўкималарини қўйиб чиқди, бош суякнинг барча хусусиятларига диққат билан амал килди. Энг кичик нотўғри детал ҳам келажакдаги хайкал портретининг ишончилигига таъсир килиши мумкин эди.

Баъзан шубхалар ҳам пайдо бўларди. Масалан, бош суяк томонининг чоклари жуда ёшдек кўринди, 53 ёшга тўғри келмайдигандек эди. Кўшимча синчиклаб текшириш шундан далолат бердики — ҳеч қандай аномалия йўқ.

Яна бир мисол. Грознийнинг жуда яхши сакланган тишлари антропологлар ва анатомларни хайратга солди. Барча тиббий маълумотларга кўра, тишлар подшоҳ ёшидан тахминан йигирма йилга ёшроқ эди — текис, мустахкам, ейилмаган, икки курак тиши умуман емирилмаган, кулок тишлар энди чикиб келаятган эди — ёш одам тишлари каби.

(«Тасаввур киласизми, солномаларда подшоҳ Иваннинг 40 ёшигача айрим тишлари сут тишлари бўлгани хақида ёзилган. Албатта, биз бунга ишонмаган эдик. Аммо хаммаси хақиқат бўлиб чиқди!» — деган эди бир куни Герасимов. Бу қандайдир генетик аномалия бўлган, аслида ижобий. Афсуски, бу белгини на юкори авлодларда, на қуйи авлодларда кузатиб бўлмади. Масала факат фактни қайд этиш боскичида колди.)

Қуйи жағ ёйи жуда тик бўлган, бундай холларда тил огиз бўшлигида одатдагидан баландроқ жойлашади. Эҳтимол, Грозний бироз шивирлаб гапиргандир. Аммо подшоҳнинг бундай нутқ нуксонлари хақида замондошлари одатда ёзиб колдирмаган.

1964 йил март ойига келиб мушак тўкималари, ниҳоят, тўлиқ моделлаштирилди ва Герасимов якуний ишловга киришди... Иван IVнинг юзи тор, иродали, бикини чиккан катта бурни, кичик оғзи, баланд пешонаси, катта кўзлари, қуйи юз қисми бир оз олдинга чиккандек бўлиб чиқди.

Сакланиб колган скелетга қараб подшоҳнинг гавдаси ҳам тикланди. Иван Грозний баланд бўйли, йирик, сал семиз, қучли ва бақувват бўлган. Унинг елкалари кенг, мушаклари яхши ривожланган эди.

Ха, у Черкасов ижро этган подшоҳга унчалик ўхшамайди. Репин чизган ўгилкотил подшоҳга ҳам, Антокольский хайкалига ҳам ўхшамайди...

Иван Грозний ёнида унинг ўгли, у томонидан газаб хуружида ўлдирилган, йигирма етти ёшли шахзода Иван дафн этилган. Унинг кабридан чиримай сакланган калин, узун рус сочлари топилди. Шахзоданинг кийим матоси ҳам сакланган — ювилиб тозалангандан сўнг у ипак, олтинранг тусли тўк саргиш рангда экани маълум бўлди.

Аммо, афсуски, шахзоданинг бош суяги вақтга дош бермади. Биз шахзода Иван қандай ўлдирилганини ҳеч қачон билмаймиз. У отасига ўхшаганми-йўкми — бу ҳам номаълум.

Грознийнинг бошка ўгли — подшоҳ Фёдорнинг бош суяги ҳам ёмон сакланган. Шунга қарамай, Герасимов Фёдорнинг портретини реконструкция қилди. Уни қандайдир сабаб билан жуда шошилиб дафн қилишган. Саркофаг копокига ёзув ўйган усто сўзларни тўлиқ ёзиб улгурмаган. «Иисуса» ўрнига «Ису» деб ёзилган, «благочестивый» сўзида биринчи ва охири ҳарфлар йўқ, «а» боғловчиси икки марта ўйиб ёзилган. Ёзувнинг юқори катори тўғри кетган, пастида эса гўё «шошилган», қиялаб тушиб кетган.

Эхтимол, вафот этган подшоҳ Фёдор билан ортикча маросим қилиш шарт эмас деб ҳисоблашган. Унинг қайиниси Борис Годунов ҳокимиятга интилаётган эди...

Фёдор Иоаннович нимадан вафот этган? Солномалар бу ҳақда қисқа ёзади. Сабаб оддий — «хурматсизлик қилмаслик», яъни янги кўтарилган ҳокимият эгалари билан низога қирмаслик. Фақат Псков солномасида уни Годунов захарлаган, деган тахмин бор.

Замонавий кимёвий таҳлиллар Фёдор организмида мишьяк миқдори юқори бўлганини кўрсатди ва захарланиш версияси энг эхтимолли деб топилди.

Қабрлар каторидан илгари тўртинчиси ҳам бор эди — Борис Годуновники. Очиб қаралганда, у бўш чиқди...

Шу билан тарихий гувоҳлик тасдиқланди: Лжедмитрий I подшоҳ Бориснинг жасадини саркофагдан чиқартириб, қамбағал ёғоч тобутда чекка Варсонофьев монастырига қўчириб боришни буюрган.

Лжедмитрийдан кейин тахтга чиққан бояр подшоҳ Василий Шуйский Иван Грознийнинг кичик ўгли Дмитрийнинг қолдиқларини Угличдан Москвага қўчириб, уларни Годуновнинг аввалги кабрига қўйишни буюрди. Аммо кичик Дмитрийнинг жасади ерга қўйилмай, Архангел соборининг марказида махсус қовчоғга қўйиб, зиёрат учун қолдирилди. Кейин Шуйский Дмитрий қолдиқларини Угличдан аждодлар кабрига қўчиришни буюрганда, боланинг жасади чиримай саклангани хақида миш-мишлар тарқалди... Москвага олиб кетилаётганда эса, гўё ярасидан кип-қизил қон оқиб чиққан, дейишди. Дмитрий айбсиз ўлдирилган, муқаддас шахид деб эълон қилинди.

Ростдан ҳам Архангел соборига Дмитрийнинг қолдиқлари олиб келинганмиди? Ёки қиримаслик саҳналаштирилиши учун бошка, подшоҳ авлодидан бўлмаган чакалок

Иван IVнинг хаётининг сўнгги куни хақида нима маълум?

Муаллиф:

08.02.2026 09:22 -

ўлдирилганмиди?

Бу саволга жавоб бериш факат чакалокнинг бош суяги сакланган бўлса мумкин. Иван IV — отанинг киёфаси тикланди. Кремлда Дмитрийнинг онаси Мария Нагойнинг кабри бор. Колдикларни солиштира тахлил килиш (шунингдек, ота-она ва ўгил портретлари) ўтмишнинг яна бир сирини очиши мумкин.

Иван IV ва унинг ўгилларининг ўлим ҳолатлари мураккаб ва ноаниқ. Иван Грозний ва унинг ўгли Фёдор киёфалари қайта тиклангандан сўнг, уларнинг колдиклари кабрларига қайтарилди. Огир кабр тошлари ўз жойига қўйилди. Аммо Иван IV ва унинг болаларининг хаёти сирини очик колди.

Абу Муслим (профессор) тайёрлади